

миқёсда инвестициялар оқими ёрдамида ҳал этиш мүмкін.

Шу билан биргә Ўзбекистонда рақобат-бардошликтарни ошириш ва жағон бозорида янги ўринлар әгаллаш учун мамлакат иқтисодиётини замонавий технологик асосларда таркибий қайта қуришга асосланган кучли ислоҳотларни күчайтириш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпича эскирган, 30 йилдан ортиқ қувватлардан фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон минтақаларидағи инвестицион мұхитни соғломлаштиришнинг мұхим омилларидан бири корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Бу вазифа аввалимбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувват-

ларига тегишилидир.

Маълумки, мамлакатимизнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Умуман олганда Ўзбекистонда инвестицион мұхитнинг молиявий томонларини тамомила яхшилаш учун нималар қилиш кераклигига доир тавсиялар ишлаб чиқиши ва вазиятни баҳолаш ҳозирги долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда вужудга келган муаммоларни бартараф этиш ва инқирозлардан чиқариш учун кенг миқёсда янгича саъй-ҳаракатлар талаб қилинади. Шу нұқтада назардан, модернизация дастурлари доирасида хорижий мамлакатлардан инвестицияларни жалб килиш бўйича ишларни янада жадаллаштириш керак.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг мұхим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 24 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-5635-сонли Фармони. 2019 йил 17 январь, “Халқ сўзи” газетаси -1-2 б. 18.01.2019 й.
3. www.Stat.uz. – ЎзР Давлат статистика Қўмитаси сайти.

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Умарова Гўзал Ғайратовна –

иқтисод фанлари номзоди, ТДИУ «Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси доценти,
ДБА «Менежмент назарияси ва амалиёти» кафедраси изланувчиси

Аннотация: мазкур мақолада пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистоннинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини стратегик ривожлантиришда қулай инвестиция мұхитини яратиш масалалари чуқур таҳлил этилган. Хорижий инвестицияларни жалб этишининг мұхим тартибга солувчи дастаги сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмасининг фаолият йўналишлари, тармоқнинг имижи, қулай ва фаровон инвестиция мұхитини шакллантириш, инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қулай ва фаровон инвестиция мұхити, хорижий инвестициялар, маҳсулот, салоҳият, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.

СОЗДАНИЕ БЛАГОПРИЯТНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА ДЛЯ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ПОСЛЕ ПАНДЕМИИ

Умарова Гузал Гайратовна –
кандидат экономических наук, доцент кафедры «Экономика отраслей» ТГЭУ,
соискатель кафедры «Теория и практика менеджмента» АГУ

Аннотация: в настоящей статье были глубоко анализированы вопросы для создания благоприятного инвестиционного климата для стратегического развития текстильной промышленности после пандемии, которая является одной из лидирующих отраслей Узбекистана. В статье даны предложения и рекомендации для деятельности Ассоциации «Узтукимачиликсаноат» по совершенствованию и мотивации инвестиционной деятельности, формированию инвестиционного климата, направлению деятельности как регулирующее звено привлечения зарубежных инвестиций.

Ключевые слова: благоприятный инвестиционный климат, зарубежные инвестиции, продукция, потенциал, совместное предприятие, производственные мощности, высокая добавленная стоимость, переработка, модернизация, диверсификация.

CREATING A FAVOURABLE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE STRATEGIC DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY POST-PANDEMY

Umarova Guzal Gayratovna –
PhD, Assistant Professor of the Department
“Economic of industries” TSEU,
Researcher of department «Management theory and practice» AGM

Abstract: this article analyzes the issues of creating a favorable investment climate for the strategic development of the textile industry post-pandemic. As an important regulatory support for attracting foreign investment, proposals were made on the activities of Textile Industry, the image of the industry, the formation of a favorable and prosperous investment climate, the promotion and improvement of investment activities.

Key words: favorable investment environment, foreign investment, product, potential, joint venture, product production capacity, high added value, processing, modernization, diversification.

Кириш. Барчамизга ушбу ҳақиқат аёнки, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичмабосқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислоҳатлар жараёнида бозор тамойиллари талабларига мос инвестиция сиёсати юритилди ва хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция муҳити яратилди. Буларнинг барчаси миллый иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этиш ҳамда инвестицион фаолиятнинг сезиларли даражада фаоллашувига имкон берди.

Давлатимизнинг тизимли саноат сиёсати миллый иқтисодиётимизни диверсификация ва модернизация қилишга ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қувват-

лашга, уларга инвестицияларни фаол жалб қилишга, жумладан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ўстиришга ҳам қаратилгандир.

Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ўз нутқларида: «Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади», деб таъкидлайдилар [1].

Тадқиқот методологияси. Инвестициялар, инвестиция ресурслари ва уларни бошқариш муаммолари бир қатор хорижлик ҳамда республикамиз олимлари илмий ишларида тадқиқ

этилган. Жумладан, Г.Александр, Дж. Бейли, В.Г. Золотогоров, А.В. Мертенс, Л.И. Павлова, Л.Н. Павлова, Ф.С. Тумусов, У.Шарп каби олимлар ишларини алоҳида қайд этиш мумкин [10]. Ушбу тадқиқот ишларида ривожланаётган ва ҳатто, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳам инвестицияларни жалб этиш доимий равишда кенгайтириб борилмаса, иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиб бўлмаслигини асослаб берганлар. Айрим олимлар инвестицияларни миллий иқтисо диётга ихтиёрий шакл (тўғридан-тўғри инвестициялар ёки кредитлар, давлат кафолати остида ёки давлат кафолатисиз, иқтисодиётни барқарорлаштириш ёки тузилмавий масалаларни ечиш мақсадлари)да жалб қилинганда ривожланаётган хўжаликларга самарали таъсир этади, ижобий натижа беради, деган фикрни илгари сурмоқдалар [7].

Охирги йилларда, айниқса пандемиядан кейинги даврда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар тобора чуқурлашиб, миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ҳамда тармоқларида туб сифат ва миқдор ўзгаришлари содир бўлмоқда. Бу макроиқтисодий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва аҳоли турмуш даражасининг ошишида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур ижобий ўзгаришларда инвестицияларнинг аҳамияти бекиёс. Давлат инвестиция дастурларини амалга оширишда Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичида инвестиция сиёсати иқтисодиётдаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда. Изчил инвестиция сиёсати юртимизда хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай ҳамда ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳитини яратиш имконини берди [12].

Фикримизча, ички молия манбалари чекланган бир шароитда хўжалик субъект-

ларининг ўз маблағлари ёки аҳоли жамғармаларига таяниб иш кўриш узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай олмайди. Бу эса ўз-ўзидан хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласини устувор вазифалардан бирига айлантиради.

Маълумки, хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятига бир қатор омиллар таъсир этади, уларни икки групга бирлаштириш мумкин. Биринчи груп фирмага нисбатан ички омилларни ўз ичига олади: умумий ва функционал стратегиялар, персонал, моддий-техник базалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш технологиялари ва бошқалар. Иккинчи груп ташки омилларни ўз ичига олади. Улар: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, барқарор молия-кредит тизими, самарали қонунчилик ва ҳоказолар.

Иқтисодий илм-фан ва амалиётда инвестициялардан оқилона фойдаланиш шартларини мажмуавий таҳлил қилиш учун «инвестиция муҳити» тушунчаси қўлланилади [11]. Ушбу термин замирида «аниқ мамлакатда инвестициялар рискивадаромаддорлигигамоҳиятан таъсир этувчи инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шартлар тизими» деган маъно ётади. «Инвестиция муҳити» тушунчасини инвестициялаш шарти, деб қараш мумкин. Макродаражада бу тушунча ўз ичига давлат ва алоҳида ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларини олади. Микродаражада эса алоҳида инвесторлар ва аниқ давлат органлари, жумладан, ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органлари, банклар, корхоналарнинг ўзаро муносабатларида ўз аксини топади.

Инвестиция муҳити сармояни самарали қўйиш учун янги имкониятлар ва рағбатларни шакллантиради. Бошқача қилиб айтганда, қулагай инвестиция муҳити яратилиши корхоналар учун даромадлар ўсиши ва харажатлар ҳамда рисклар камайишини таъминлайди. Натижада, қулагай инвестиция муҳити яратилиши туфайли меҳнат унумдорлигининг ўсиши, инновацияларни тадбиқ қилиш, сифат ва маҳсулот рақобатбардошлиги, аҳоли бандлигини кўтариш, турли даражадаги бюджетга солиқ тўловларини ошириш таъминланади.

Инвестиция муҳити – мураккаб, кенг қамровли ва мажмуавий тушунча. У кўп даражали асосда кўриб чиқилиши мумкин.

Мажуавийлиги шундан иборатки, инвестиция муҳити мамлакат ёки ҳудудда инвестиция фаолиятини амалга оширишга асос бўладиган шарт-шароитларни юзага келтирувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий характердаги омиллар билан ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади.

Кўпдаражалилик инвестиция муҳитининг ҳудуддаги ёки тармоқдаги тамойили бўйича дифференциация имкониятини билдиради. Мамлакат инвестиция муҳити қаторида иқтисодиётнинг ҳудудий (вилоят), кичик ҳудудлари, маҳаллий корхоналари, тармоқ ва секторлари инвестиция муҳитини ажратиш мумкин. Шу билан бирга, «мамлакатнинг инвестиция муҳити» асосий тушунча ҳисобланишини таъкидлаш муҳим. Иқтисодиётнинг ҳудудий (вилоят), кичик ҳудудлари, тармоқлари инвестиция муҳитининг хусусиятлари бўлиб, давлат бошқаруви умумдавлат даражасидатъминланадиганинвестияучун шарт-шароит (энг аввало, макроиқтисодий ҳолат ва қонунчилик)ларга уларнинг юқори талаби ҳисобланади.

Ҳар томонлама қулай инвестиция муҳити бизнес-тузилмаларнинг фаолият самарадорлигига таъсир этади, бу эса, инвестиялашга

хос бўлган даромадлар ва капиталнинг ўсишига олиб келади.

Инвестия муҳити инвесторларнинг мамлакатга ва давлатнинг иқтисодиётга нисбатан ҳаракатларига ишончини оширади, узоқ муддатли инвестициялашга кенг йўл очиб беради.

Мамлакат инвестиция жозибадорлигининг омиллари – етакчи учлик маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ. Буривожлангандавлатлар чет эл инвестициялари учун кўпроқ жозибадор бўлиб қолаётганликларини англатади. Инвесторлар фаолияти ишлаб чиқариш ва маҳсулотни айрбошлаш орқали фойда олишга қаратилган. Ривожланган давлатлар 65 фоиз, ривожланиб келаётган давлатлар эса 35 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишга эришмоқдалар [4].

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсатининг паст самарадорлиги ҳақида «Инвестиялаш учун туртки бўладиган механизмларнинг самарадорлиги» мезони бўйича респондентлар жавоби нолга тенг. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестицияларни қўйиш учун мезонлар жуда муҳим (-1жадвал) [8].

1-жадвал

Тармоқлар бўйича инвестицияларни жойлаштиришнинг энг муҳим мезонлари

Дастлабки сектор	Саноат сектори	Хизмат кўрсатиш сектори
1. Табиий ресурслар мавжудлиги	1. Ички бозор ҳажми	1. Ички бозор ҳажми
2. Инвестия муҳити барқарорлиги	2. Ички бозор ўсиши	2. Ички бозор ўсиши
3. Инвестиялаш учун туртки бўладиган механизмлар самарадорлиги	3. Инвестиялаш учун туртки бўладиган механизмлар самарадорлиги	3. Инвестиялаш учун туртки бўладиган механизмлар самарадорлиги
4. Халқаро/ҳудудий бозорларга кириш	4. Мехнатнинг паст қиймати	4. Халқаро/ҳудудий бозорларга кириш

Саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари учун ички бозорнинг ҳажми ва ўсиши инвестиция

қарорларини қабул қилишда асосий омиллар ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари инвестицияларни жалб қилишга туртки бўладиган механизмлардан фойдаланиш билан боғлиқ давлатнинг фаолияти (лойиҳаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, инвестиция имтиёзлари, инвесторларга кафолатлар ва бошқалар)

муҳим ҳисобланади. Саноатда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ишчи кучи қийматига сезувчан бўлади.

Миллий иқтисодиётга киритиладиган хорижий инвестицияларнинг ўсиши инвестиция муҳитини яхшилашнинг муҳим натижаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон, энг аввало, ўзининг ҳудудида иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошликни кўтаришга замин бўладиган янги қувватлар ва ишлабчиқаришни яратишдан манфаатдор бўлмоқда. Бизнингча, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция лойиҳаларини молиялашга қўшимча манба сифатида қаралиши лозим. Хорижий инвестициялар маҳаллий инвестицияларни тўлдириши мумкин, бироқ уларнинг ўрнини босолмайди. Ички манбаларни излаш маҳаллий корхоналарнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштиришда устувор вазифа ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, инвестиция фаолиятини давлат томонидан самарали тартиблашнинг заруриятидан келиб чиқиб, мамлакат, ҳудуд, тармоқларнинг инвестиция муҳитини мажмуавий ва кўп даражали таҳлилини

Хўжалик субъектлари даражасидаги инвестиция муҳити яратилиши инвестиция фаоллигини кўрсатувчи макроиқтисодий омиллардан бири сифатида тавсифланади. Инвестиция муҳитининг ушбу ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олиб, унинг бошқарувини ташкил этиш зарур. Ҳудудий инвестиция сиёсати инвестиция муҳитига бошқариш омиллари орқали таъсир этиши инвестициялаш шартларининг сифатини яхшилашга туртки бўлади. Мамлакат ва ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, молиявий, иқтисодий воситалар ёрдамида амалга оширилади. -2расмда ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш тамойиллари тақдим этилган.

2-расм. Ҳудудий инвестиция муҳитини бошқариш тамойиллари
Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



доимий равищада ўтказиб туриш лозим.

Ҳар қандай хўжалик тизимининг инвестиция муҳити доимо ижобий ёки салбий томонга, айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида ўзгариб турадиган фавқулоддаги ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли, инвестиция муҳитининг доимий мониторингига зарурат туғилади. Яъни, бизнинг фикримизча, мамлакат ва унинг ҳудудларида мониторинг тизимини минтақалар ва тармоқлар дараҷасида мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, республика инвестиция сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шуларни инобатга олиб, мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида шаклланган инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш механизmlарини таҳлил қиласи. Шунга кўра, инвестиция муҳити мониторингининг беш поғонали моделини таклиф этамиз (1-расм).

Кулай инвестиция муҳити шаклланишинг асосий иқтисодий омиллари иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатлари ва бозор институтларининг мавжудлиги ва энг аввало, мустаҳкам хўжалик қонунчилиги, ривожланган кредит-банк тизими ҳисобланади.

Инвестициялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам маълум аҳамиятга эга. Худуднинг инвестиция муҳитини яхшилашнинг асосий йўналишлари таҳлили кўрсатишича, уларнинг кўпинузоқ муддатли характерга эга экан. Худуднинг инвестиция қонунчилигини яхшилашнинг ўзи етарли. Алоҳида ҳудудлар амалиёти шуни кўрсатдик, Ўзбекистон субъекти даражасида инвесторлар ҳукуқини ҳимоялашни назарда тутган турли кўринишдаги имтиёзлар, кафолатларни тақдим этувчи қонунчилик актларининг қабул қилиниши ҳудуднинг инвестиция муҳитини янада яхшилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жиҳатдан қулай инвестиция муҳити яратилганлигини қуидаги омиллар амал қилиши орқали қўришимиз мумкин:

- кенг рағбатлантириш чораларининг мавжудлиги;
- хусусий мулкчиликнинг тез ривожланишининг рағбатлантирилиши;
- саноатнинг устувор соҳаларини жадал ривожлантириш зарурлиги;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб турган қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини барпо этишнинг қўллаб-қувватланиши;
- экспорт салоҳияти ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг рағбатлантирилиши;
- экспорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар ҳиссаси ва ҳажмини кўпайтиришнинг қўллаб-қувватланиши.

Таҳлиллар. **Ўзбекистон Марказий банкининг маълумотига кўра, 2018 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) соф оқими 624 миллион долларни ташкил этди, бу 2017 йилга нисбатан уч баравар кам. Ушбу пасайиш 2018 йилда 1 миллиард долларни (2017 йилда 524 миллион доллар) ташкил этган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар бўйича**

«қайтадиган» инвестициялар ҳажмининг ошиши билан боғлиқ. 2017 йилда катта миқдордаги маблаг хорижий инвесторлар томонидан минерал-хом ашё қазиб олиши ташкил этиш бўйича қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилди. Чет эллик инвесторлар томонидан соф портфель инвестициялари ҳажми 2017 йилдаги 3 миллион доллардан 2018 йилда 13 миллион долларга кўтарилиди. 2019 йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф оқими 198 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан икки баравар кам. Бу маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар (ПСА) бўйича инвестицияларни репатриациясининг ортishi билан боғлиқ [3]. Шу билан бирга, ПСАни ҳисобга олмаганда, акциядорлик инвестицияларининг соф ўсиши 158 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга кўп. 2019 йилни чорагида хорижий инвесторларнинг даромадларини қайта инвестициялаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга ошди. Портфель инвестицияларининг 1 миллиард долларга кескин ўсиши, бу йил бошида евро-облигациялар муваффақиятли жойлаштирилганлиги билан боғлиқ [6].

Ушбу статистика тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ривожлантиришнинг тўлиқ манзарасини очиб бермайди. Шундай қилиб, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, биринчи чоракда 783,3 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан (325,8 миллион доллар) ўсиш 457,5 миллион долларни ёки 2,4 бараварни ташкил этди. Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар сони инвестицион фаолликнинг яна бир кўрсаткичидир. Шундай қилиб, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, биринчи ярим йилликнинг охирида 9014 та шундай корхона мавжуд бўлиб, олти ой ичida улар 2018 йилга нисбатан 37 фоиз ўсишига қарамай, 19,2 фоизга ўсади. Бу ерда Россия Федерацияси, Туркия, Хитой, Қозоғистон ва Корея давлатлари устунлик қиласи [13]. Металлургия саноатида (2018 йилга нисбатан 2,4 марта), тўқимачилик саноатида (2,7

мартага), озиқ-овқат саноатида (3,1 марта) ва фармацевтика саноатида (6,3 марта) тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми икки баравар кўпайди. Шунингдек, минтақавий бўйсимишдаги лойиҳалар соҳасининг ўсиши қайд этилди – худудларда тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2018 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан тўрт баравар ошди.

Мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилувчи асосий омиллар:

- бой ва диверсификацияланган табиий ресурслар (газ, олтин, пахта, гидроэнергетика базаси);
- ижтимоий-сиёсий, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик;
- давлат қарзи нисбатан паст даражаси ва қулай валюта захиралари;
- улкан давлат инвестиция дастури;
- 33 миллион аҳолига эга бўлган ички бозор ҳажми;
- Хитой ва Европа ўртасидаги стратегик жуғрофий жойлашув.

Умуман олганда, Ўзбекистон макроиқтисодий барқарорликнинг афзалликларига эга, бу амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда, молиявий хизматлар, қурилиш ёки туризм каби иқтисодиётнинг турли соҳаларида имкониятлар очади. «Бостон Консалтинг Груп»нинг маълумотларига кўра, келгуси ўн йил учун инвестиция салоҳияти 65 миллиард долларга етади, шундан 20 миллиард долларгача ноозиқ-овқат саноатига тўғри келади. Ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик каби хорижий инвестициялар учун анъанавий бўлган соҳаларнинг инвестицион салоҳияти тўлиқ амалга оширилмаган [2].

Шунингдек, Ўзбекистон учун нисбатан янги соҳаларда – молия-банк секторида, қурилиш, телекоммуникация ва туризмда ривожланиш учун катта имкониятлар мавжуд [9]. Капитал бозорлари ривожланган мамлакатларда, паст фоиз ставкалари билан, тез ривожланётган бозорида, юқори даромад олиш имконияти хорижий инвесторларга манзур бўлмоқда. Мавжуд хатарлар ҳам катта имкониятларга эга [5].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистонда инвестиция

муҳити яхшиланмоқда. Мамлакатнинг очиқлиги ошмоқда, қийинчилик ва муаммолар тан олинмоқда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда. Хорижий инвесторларнинг, шу жумладан институционал инвесторларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Ислоҳатлар суръатларини, шу жумладан молия бозорини эркинлаштиришни, жаҳон капитал бозорларига қўшилишни ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишининг самарали тизимини яратишни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон яқин келажакда инвестиция киритиш учун жуда жозибадор мамлакатга айланиши мумкин. Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантириш бевосита қўйидаги масалаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- янги замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётiga жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, бир неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи эски техника-технологиялардан имкон қадар қутилиш;

- янги иш жойларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илфор бошқариш тажрибасини жорий этиш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

- жаҳон бозори талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқа-риш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин айирбошланадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлаш;

- инвестицияларни молиялаштиришманбалари таркибида давлат бюд-жети улушининг юқорилиги ва улар босқичма-босқич қисқартирилиши лозим;

- корхоналар молиявий аҳволини соғломлаштириш бўйича алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилиши мақсадга мувоғик;

- корхоналарда замонавий молиявий менежмент усусларининг кенг қўлланилмаётганлиги ва унинг ривожланиши учун замин яратилиши лозим;

- ички инвесторлар ва хорижий инвесторлар учун зарур бўлган ахборотлар базасини таъминлаш мақсадида нодавлат мулкчилик шаклидаги, холис ахборот хизмати тизимини яратиш ва ривожлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2019 йил.
2. «Ўзбектўқимачиликсаноат» уюшмасининг статистик мълумотлари.
3. Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012. -904 pp.
4. Investment Analysis. Gareth D. Myles. May 2010. -285 pp.
5. 2015 Investment Company Fact Book. A Review of Trends and Activities in the U.S.A. Investment Company Industry. Copyright © 2015 by the Investment Company Institute. All rights reserved. -312 pp.
6. Steen Thomsen & Martin Conyon – Corporate Governance, mechanisms and systems. McGraw-Hill Higher Education UK, 2012. -367 pp.
7. Анохин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. -М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко», 2012. -380 с.
8. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер.с англ.– -4е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс, 2007. -1340 с.
9. Емельянов С.В. США: государственная политика стабилизации конкурентоспособности американских производителей // Менеджмент Узбекистана и за рубежом №2012 ,3.
10. Теплова Т.В. Инвестиции. Учебник для вузов. -М.: «Юрайт», 2011.
11. Я.Карриева, И.Ахмедов, Ф.Абдилакимов. Хорижий инвестициялар. Ўқув кулланма. -Тошкент. "Иқтисодиёт". 2015.
12. www.lex.uz
13. www.worldeconomics.com

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ЎРНИ

**Хайитов Сайджон Баҳтиёр ўғли –
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти (PhD)**

**Якубов Искандар Одилович –
И.Ф.н. Доцент, “Макроиқтисодий
таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси, ТДИУ,**

**Чориев Фазлиддин Эшполатович –
Катта ўқитувчи, “Макроиқтисодий
таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси ТДИУ,**

Аннотация. Ушбу мақолада давлат ва глобал хусусий шерикчилик муносабатлари кўриб чиқилди. Хозирги мавжуд ҳалқаро сиёсат кўп жихатдан шу муносабатларнинг натижаси деб хисоблаймиз. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденсияси даврида ривожланётган мамлакатларга қўйиладиган талаблардан бири, албатта, иқтисодиётнинг саноат тармоғининг салоҳияти даражаси бўйиб турибди. Ҳуқуматимиз мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун мавжуд барча омиллардан фойдаланмоқда. Ушбу тадқиқотда, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи омиллардан бири, янги тадбир сифатида қабул қилинган фактор – давлат-хусусий шерикчилик механизмини тақомиллаштириш ва миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўзда тутилган.